

ИЛМСИЗЛИКДАН КИМ МАНФААТДОР?

Келгуси сонларда ўқинг

Тешик тоғоранинг эгаси ким?

Келгуси сонларда ўқинг



Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2018 йил 24 май • пайшанба • № 61 (4034)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Президент ташрифидан сўнг...



Ҳар бир оила — тадбиркор

Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3532-сон қарори ижросига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Муаммо ва ечим таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раислигида ўтган мазкур мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов, Бош вазир ўринбосари Қ.В. Акмалов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Қ.М. Рафиков, соҳага алоқадор вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, шунингдек, уларнинг қўйи тузилма ва тармақлари вакиллари иштирок этди.

Унда фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш, фармацевтика эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этишни жадаллаштириш, аҳолини арзон, сифатли ҳамда зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар билан кафолатли таъминлаш, барча ҳудудларда ижтимоий дорихоналар ташкил қилиш борасидаги вазифалар ижроси танқидий муҳокама қилинган.

Шуни таъкидлаш лозимки, кенг камровли ишлар амалга оширилгани билан бир қаторда, тиб-

биёт муассасаларига фармацевтика воситаларини етказиб бериш, дорихоналарни ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, дори воситалари ва тиббий буюмлар нархларининг барқарорлигини сақлаш борасида бир қатор камчиликлар мавжуд.

Ўз мухбиримиз

Одамлардан «хафа» бўлган денгиз

...У чекинмоқда. Ҳануз ўзига тикилган, қайтишини интизорлик билан кутиб, ҳар кун бун Аллоҳдан сўраётган инсонлар ноласига эътибор бермай кетмоқда. Чунки одамлар уни жуда... хафа қилишди. Энди эса денгиздан уэр сўраш эмас, балки ҳануз одамларни боқаётган Оролнинг қолганини асраб қолиш керак...



Бандликни таъминлашдаги бундай ёндашув Андижонга қут-барака олиб келмоқда

Давлат раҳбарининг қадами етган жойда янги-янги ташаббуслар, ҳаётбахш лойиҳалар бўй кўрсатади. Кишилارнинг онгу тафаккуридаги, амалий саъй-ҳаракатларидаги ўсиш ва ўзгариш мевалари янада яққол кўзга ташланади. Шу маънода Президентимиз Андижонга ташрифи чоғида бунёдкор ва меҳнатқаш халқнинг орзу-интиллари, эзгу мақсад ва режаларини яқддиллик билан қўллаб-қувватлаб, катта-ю кичikka бирдек қанот бағишлади.

Андижон азал-азалдан ишнинг кўзини биладиган тадбиркору қўли гул хунармандларга, кишлоқ хўжалигида мамлакатга донг таратган уста деҳқонларга бешик бўлган юрт. Шундан бўлса керак, бугун ҳудудда ишлаб чиқарилаётган тадбиркорлик ва қўл меҳнати маҳсулотларига узок-яқиндан харидорлар бисёр. Фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорка эгалари етиштирган сархил мева-сабзавот ва полиз экинларининг таърифи етти иқлимга ёйилган. Энг муҳими, кўп йиллик тажриба натижаси бонс хонадон шароитида даромад топиб, рўзгорини бутлаётган, иморат тиклаётган, топан-тутганини яхши қунларга сарфлаётган юртдошларимиз сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 2-3 июнь кунлари вилоятта ташрифи чоғида Андижон туманининг Ҳакан қишлоғида «Milana textile» маъсуляти чекланган жамиятининг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишиб, янги корхона фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тегишли тавсия ва йўл-йўриқлар берган эди. Орадан салкам бир йил ўтди. Қандай ишлар амалга оширилди?

Мавсум бошланишига 8 кун қолди!

Орзулар оламига саёҳат

ёхуд оромгоҳлар бунга шайми?

Халқ бодажонларнинг Абдулазиз каби ҳаёт суриши одатий ҳол. Чунки улар интиқ кутишгани — ёзи таътилда турли оромгоҳларда марокли хордик чикаришади. Ўртоқлар орттириб, гузал табиат қўйида ҳар бир кунни мазмунли ўтказишади. Бунинг учун барча шароитлар етарли. Абдулазиз ҳам икки йилдан бун оромгоҳга бориб, бахтиёр онлар суруридан хали ҳам маст эди-да.

Бу йил ҳам мамлакатимизда соғломлаштириш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилди. Оромгоҳларда болаларнинг дам олишини

ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси талаблари асосида қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. Ёзнинг дастлабки кунидан бошланадиган жорий мавсумда 1313 та оромгоҳ фаолият кўрсатади. Шундан 206 таси стационар, 978 таси кундузги ва 129 таси «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳларидир. Мавсум давомида 301 589 нафар бола соғломлаштирилади. Уларнинг 153 мингдан ортиғи стационар, 148 мингдан кўпроғи эса кундузги оромгоҳларга жалб этилади.

КУН НАФАСИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 22 май куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси мулофаа вазири Сергей Шойгунни қабул қилди.

«Капитал қурилишда лойиҳа ва қурилиш ишларини амалга ошириш тартибини оптимallashtirish бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

Унда белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни «капитал топишгунга қадар» (Engineering Procurement Construction) шартларида амалга оширишда пудратчиларни, шу жумладан, хориқликларни тегишли лицензия ва (ёки) қурилиш соҳасидаги рухсатномани олмасдан ишлашга рухсат бериши мумкин. Бунда пудратчи лойиҳаларни сифатли амалга ошириш бўйича барча жавобгарлик локалини мажбурий шартга айланди.

«Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Унга кўра 2018 йилдан бошлаб ҳар йили келгуси йил учун жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш режалаштирилган адабиётлар рўйхати ҳамда уларнинг адабиёт бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади.

Нашр этилган адабиётлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тақсимот бўйича вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларга тарқатилади.

Таржима қилиниши ва нашр этилиши режалаштирилган асарлар ушбу асарлар муаллифлари ёки муаллиф ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг розилигини олган ҳолда нашр этилади.

«2018-2019 йилларда замонавий кинотеатрлар тармоғини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Тасдиқланган дастурга мувофиқ юртимизда 2018-2019 йилларда жами 49 та, ҳусусан, 25 та I ва II та 2 каватли, 12 та ёзи кинотеатрлар қурилади.

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларининг овқатланишини ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Унга кўра Миллий гвардия бўлиналари шахсий таркибининг овқатланишини аутсорсинг шартларида ташкил этиш соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмлари босқичма-босқич жорий этилади.

Қабул қилинган «Кишлоқ хўжалигини ўз вақтида кишлоқ хў-

жалиги техникаси билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳукумат қарорида 2018 йилда туманлар кесимида кишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришнинг қўшимча параметрлари, шунингдек, уларни молиялаштириш ва етказиб беришнинг графикалари, буюртмалар портфелини шакллантириш ва шартномалар тузиш, кишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш молиялаштириш, шунингдек, кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизацияланган хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш схемалари тасдиқланди.

Жорий йилда Ўзбекистондаги мактабларда «Сўнгги кўнгирок» тадбирлари ўтказилмайдми. 25 май куни республикадаги барча умумтаълим мактабларида «Дунёда энг катта бойлик — ёшларда олинган билим ва эгалланган касб-хунардир» ғояси асосида «Қадрдон мактабимиз бағрида ўқиб-ўрганиш, доимо изланиш, янгиланган, тараққиёт чўққиларини эгаллаш интилиб яшайми!» шiori остида ўқув йили якулига бағишланган тағталани сағланиш тадбирлари бўлиб ўтади.

Президент Шавкат Мирзиёев кўрсатмасига асосан Андижон вилоятида «Ҳар бир оила тадбиркор» шiori остида имтиёзли кредит ажратиш йўлга қўйилади. Кредитлар йилига 3 фоз қўшимча ва 3 ойлик имтиёзли давр билан тақдим этилади.

Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги делегацияси Ўзбекистонга келди.

Ташриф доирасида Ички ишлар вазири, генерал-майор Пўлат Бобожонов ва Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазири, милиция генерал-полковниги Рамозон Ҳамро Раҳимзода билан расмий учрашув бўлиб ўтди.

Марказий банк ахборот хизматининг хабар беришича, эски намунадаги тангалар ва банкнотларни банклар орқали янги тангаларга алмаштириб олиш:

- 50 сўмлик, 100 сўмлик тангалар ҳамда 50 сўмлик ва 100 сўмлик банкнотлар янги намунадаги 50, 100, 200, 500 сўмлик тангалар муомаласига чиқариш билан қўйиладми.

- эски намунадаги 200 сўмлик ва 500 сўмлик банкнотлар 2019 йил 1 июлдан бошлаб банк кассалари орқали амалга оширилади.

Марказий банкнинг янги намунадаги 50, 100, 200, 500 сўмлик тангаларнинг муомаласига чиқариш санаси, уларнинг кўриниши ва тавсифи Марказий банкнинг веб-сайти ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг юксак салоҳиятли, билимли, муваффақиятларга эришган, фидойилиги билан ўзини кўрсата олган 20 нафар педагогга пойтахтимизнинг Сергели туманидан уй-жойлар берилди.

Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

Президент таширифидан сўнг...

«1 Бу мулдат оралиғида МЧЖ га қарийб 9 миллиард сўмлик инвестиция киритиш, 200 та янги иш ўрни барпо этиш шарт билан бир гектар майдон ҳамда фойдаланилмаётган бино «ноль» харид қийматида берилди. Изчил сайй-ҳаракатлар самараси туфайли аёллар ва болалар учун 20 турдан зиёд трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз бу гал эришилган натижаларга баҳо бериб, шу ернинг ўзига «Хар бир оила — тадбиркор» дастурининг Андижон вилояти нуқсонидидаги концепцияси билан танишди. Таъкидланганидек, ушбу ўзига хос дастур орқали аҳолининг иш билан банд бўлма-

ишсиз хотин-қизларнинг деярли йўқлиги давлатимиз томонидан одамларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликка ўргатиш борасидаги эътибор натижасидир. Шунинг учун ҳам Хўжабод вилоятидаги давлат дотациясидан чиққан ягона тумандир.

— Агар юзта корхона фаолиятини ўзaro қийсасангиз, хар бирининг ўзига хос иш услуби, бир-бирини тақрорламайдиган янги-янги жиҳатлари кўзга ташланади, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг масъул ташкилотчиси Баҳромжон Ҳамдамов. — Мазкур корхоналарнинг аксарияти касаба уюшмаларига

Асака автомобиллари бор. Ичимлик суви ва газ муаммоси ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Президентимиз ўтган йили вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар билан танишиш мақсадида Хўжабод туманидаги «Нави-гул» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси лойиҳаларини ҳам кўздан кечирган эди. Ўтган бир йил мобайнида ушбу корхонадаги истикболли сайй-ҳаракатлар мевасидан кўпчилик баҳраманд бўлди. Жумладан, жорий йилнинг қиш фаслида корхона вилоятидаги 40 мингта хонадонга 12 хилдан ортиқ бозорбоп қарам, булғор қалампери, помидор қўчатлари етказиб бериш ташаббуси билан чиқди. Хусусан, томорқасида бўш ери бор, меҳнат билан банд бўл-

маган кишиларга замонавий иссиқхонада интенсив технология асосида тайёрланган ниҳоллар февраль ойидаёқ етказиб берилди. Очик майдонга ҳамда плёнка остига экилган қўчатлар 45-50 кунда ҳосилга кирди. Агротехник тадбирларни белгиланган меъерлар асосида олиб боришда томорқа эгаларига корхона мутахассислари яқиндан ёрдам беришди.

Корхона ва аҳоли ҳамкорлигининг асосий жиҳати — етиштирилган маҳсулотта харидорнинг нақдлигидир. Яъни корхона қўчат етказиб берилган томорқа эгаларидан тайёр бўлган маҳсулотни бозордаги нарх-навога тенг қийматда харид қилди.

— Оилавий тадбиркорликка кўмак беришнинг янги ҳаёт шакли кўпчилик юрдошларимизда кизиктириб ўйотди, — дейди вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси мева-сабзавотчилик бўлими бошлиғи Абдумуталлиб Сулаймонов. — Аввало, корхона қўчат етиштиришда хориқ селекциясига мансуб, ички бозорда ҳам сўйиб истеъмол қилинадиган навларни танлашга эътибор қаратилди. Хонадонларда етиштирилган маҳсулотлар харид қилинган, корхонанинг ўзига қайта ишланган экспортга юбориш тизими йўлга қўйилди. Муҳими, дастлабки уринишлар ўзини оқлаб, аксарият томорқа соҳиблари икки ой ўтар-ўтмас бир сотиқ майдондан ўртача 2,5-3 миллион сўмгача даромад олишди. Ҳамкорлик йил мобайнида давом этаверди.

Президентимизнинг вилоятта таширифи давомида энг асосий вазифа — одамларни рози қилиш эканлиги яна бир бор ақсирди. Биринчи навбатда, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, бу борада катта-ю кичик раҳбарнинг жамоатчилик олдида ҳисоб бериш тизимини жорий қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Хонадон-ма-хонадон юриб, аҳоли қатламининг барча тоифаларини қамраб олиш зарурлиги эътироф этилди. Ана шунда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг туб мағзи аён бўлди. Инвестициялар жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, қўлимча тармоқларни ривожлантириш, бу — 3 миллион нафардан зиёд киши истикомат қилаётган Андижон вилоятида бандлигини таъминлаш кўламини кенгайтиради. Иш билан банд бўлган одам эса оиласини ҳам, жамиятни ҳам обод қилади.

Нурилло НЎҲОМОНОВ
«Ishonch»



Акция



Қашқадарёда илк бор судланувчи Ёшлар Иттифоқи кафиллиги остида озод этилди

Олий суд ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандумига асосан Ёшлар Иттифокнинг Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси судда Жиноят кодексининг 164-моддаси 2-қисми, «б» банди билан айбланган Суннат Шомуродовнинг жиноят иши бўйича жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этди.

Эндигона 23 ёшга тўлган С.Шомуродов Қарши туманидан. У бир гуруҳ тенгдошлари алдовларига учиб, қорамол ўғирлаш мақсадида босқинчилик жиноятини содир

этган. Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё тумани суди биносида ўтказилган очик суд мажлисида С.Шомуродовнинг иши қўриб чиқилди. Суд жараёнида жамоат ҳимоячиси томонидан судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш, келгусида ушбу фуқарони қайталикка олиш тақдирини билдирилди ва бу ҳақда қафолат хати тақдим қилинди.

Суд унинг жиноятини ўзи тулик англамаган ҳолда содир этгани, мукаддам судланмагани, қилмишидан чин қўнгилдан пушай-

монлигини инобатга олиб, унга нисбатан қўлланилган 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони бекор қилди ва судланувчи Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи кафиллиги остида суд залидан озод этилди.

— Катта хато қилдим, — дейди С.Шомуродов. — Ота-онам ва яқинларимнинг юзини ерга қаратдим. Лекин яна бир бор менга имконият берилди. Бу менга бир умрлик сабоқ бўлди.

Ахрор СОДИҚОВ

Янгилик



УЙ-КУТУБХОНА

халқимиз маънавиятига хизмат қилади

Давлатимиз раҳбари Сўрхондарё вилоятига таширифи чоғида китоб дўконлари ва кутубхона қўриш ишларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб, музработлик кекса китобхон Дўстқобил Қодиров хонадонидида сақланаётган 10 мингтадан зиёд китоблар ҳазинасидан унумли фойдаланиш ҳақида кўрсатма берган эди.

Ана шу ташаббус натижасида яқинда Музработ туманидаги 7-умумтаълим мактаби қошида Дўстқобил Қодировнинг барча шароитга эга замонавий уй-кутубхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Уй-кутубхона очилиш маросимида сўзга чиққан Сўрхондарё вилояти ҳокими Эркин Турдимов

шундай деди:

— Ўн минг донга китоб жағғаришнинг ўзи жасорат. Дўстқобил отанинг бу ташаббуси барчага ўрнак. Энди устознинг китоблари замонавий уй-кутубхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тадбирда атоқли ижодкорлар, таниқли санъаткорлар, туман ҳоким-

лиги вакиллари ва фаоллар, ёшлар ҳамда маҳалла аҳли қатнашди.

— Кишлогимизда замонавий уй-кутубхонанинг очилиши айни мулдоо бўлди. Ушбу зиё масканида ёшлар минглаб бадиий ва илмий адабиётлардан фойдаланиши мумкин, — дейди кекса китобхон Соат Абдумўминов.

— Ёшлигимдан китоб билан дўст тутиндим. Нимага эришган бўлсам, китоб туфайлдир. Қайси вилоят ва шаҳарда саёҳатда бўлсам, албатта, китоб билан қайтардим. «Қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлади» деганларидек, уйимда ўн мингтадан ортиқ китоб йиғилди. Очиги, кейинги пайтда уларнинг тақдирини ташвишда эдим. Аллоҳга шукурки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг эътибори туфайли китобларидан нафақат маҳаллам, барча китобсеварлар фойдаланади, — дейди Дўстқобил Қодиров.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Пойтахтимиздаги Ботаника боғида Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор ташкилотлар кўмағида «Оилавий боғ сайри» ташкил этилди.

Оилавий боғ сайри

Ёш иқтидорлар томонидан намойиш этилган концерт дастурлари, спорт ўйинлари мусобақалари, китоб мутлааси, эртақ ва мультфильм қаҳрамонлари билан учрашувлар нафақат болажонлар, балки уларнинг ота-оналарини ҳам ўзига ром этди. Тадбирда мамлакатимизнинг турли вилоятларида фаолият юритаётган «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказлари тарбияланувчилари бўлган болалар ҳам қатнашди. Айниқса, андижонлик Шухрат Ўринбоев чизган суратлар, Шаҳрисабз кулоллар сулоласининг 7-вакили Рустам Музафаров, қўғирчоқлар ясаш ва безатиш устаси Александр Фердинандов иштирокчиларга маънавий баҳолар берди. Сайр ва кўргазма давомида хайвонот оламини севиш ва уларни



қоғозларда тасвирлаш бўйича Алик Кузнецов ўтказган маҳорат дарслари иштирокчиларга манзур бўлди. Миллий олимпиада кўмитаси спортчи ёшларнинг турли кўргазмалари чиқишлари,

«Ўзбекистон умумий уйимиз» деб номланган декоратив кўргазма ҳамда фольклор ижодий жамоаларининг намойишлари турли миллат вакиллари дўстона кайфият остида бирлаштирди. «Star med» тиббий маркази томонидан бепул тиббий қўрик ташкил этилгани, тажрибали ишбилармонларнинг ёш тадбиркорларга бизнес бора-сида берган юридик маслаҳатлари тадбирнинг ижтимоий қийматини янада оширди.

Ёш авлод қалбига табиатга меҳр-муҳаббат, агроф-мухитни муҳофаза қилиш ва асраш маданиятини шакллантириш мақсадида экологик акция ўтказилди. Ғолибларга ҳомийлар томонидан совғалар топширилди.

Дилфўра ШУКУРОВА,
Хотин-қизлар қўмитаси
матбуот котиби

ҲАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР

Бандликни таъминлашдаги бундай ёндашув

Андижонга қут-барака олиб келмоқда



ган қатламини тадбиркорлик, хунармандлик, қасаначилик, томорқадан унумли фойдаланишга ўргатиш, хонадонларга зарур маблағ ҳамда ускуналар етказиб бериш натижасида одамларнинг барқарор даромад манбаини яратиш мумкин. Бунинг учун ҳудуддаги қўллаб қишлоқ ва маҳаллаларда узок йиллик синовдан ўтган тажрибали бор. Уларни бирдек омдалаштириш эга-рур. Бунга шарт-шароит ҳам, потенциал имкониятлар ҳам етарли.

Шу ўринда оилада тадбиркорликни ривожлантиришда ҳудудларнинг маълум бир йўналишга ихтисослашуви катта аҳамиятга эга. Масалан, Шаҳрихон туманида хунармандликнинг ёғочдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бешиқчилик, пичоқчилик, дўппидўзлик сингари ўнга яқин йўналишлари ривож топган. Статистик маълумотларга кўра, 300 минг нафарга яқин аҳоли яшайдиган, хар куни 50 минг нафардан зиёд одам келиб-кетадиган туманда хунармандлар яратаятган маҳсулотларга барча вилоятлардан харидорлар кўп. Маҳаллий бозорда савдо-харид жараёни ҳамisha кизгин. Энг муҳими, аҳолининг доимий даромад манбаи бор.

Хўжабод туманида тадбиркорликнинг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради. Айни пайтда ҳудудда кийим-кечак ишлаб чиқаришга ихтисослашган 100 тадан зиёд кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Хар бирида 50 дан 400 нафаргача хотин-қизлар иш билан банд. Демак, оилаларга қут-барака қияпти. Таъбир жоиз бўлса, мамлакат миқёсида «Хўжабод трикотаж» деган ибора тез-тез тилга олинапти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми узок-яқин давлатларга экспортга йўналтирилаётгани, энг асосийси, туман ҳудудида

жалб этилган. Шу боис тез-тез иш бериувчилар ҳамда меҳнаткашлар билан учрашиб, мулоқотлар қиламиз. Сухбатлар асоси давлатимиз томонидан ишбилармонлик йўлини танлаганларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар натижасида тадбиркорлар ҳам, ишловчилар ҳам янгиликка интилиш туйғуси шаклланиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз.

Хонадонда тадбиркорликни ривожлантириш бора-сида Андижон туманининг Ҳакан қишлоғида яратилган тажриба ҳам ибратли. Қишлоқда қарийб 500 тага яқин хонадонда иссиқхона налалар барпо этилган. Эрта кўкламда ерга уруғ тушадиган кунларда ҳақанликларнинг томорқа экинлари дехкон бозорининг энг олди маҳсулотлари сифатида харидорга тортиқ этилади. Асосий даромад манбаи мана шу бир-икки сотихлик иссиқхона ҳисобланган қишлоқ аҳолининг фаровон ҳаёти замирида меҳнатта иштиёқ самарасини кўриш мумкин.

Олтинқул туманининг Кўмақай қишлоғидаги хонадонларда қарийб юз фойз аҳоли помидор, бодринг, ошқўқ, анвоий гуллар етиштириш билан шуғулланади. Андижон шаҳрига туташ қишлоқда томорқа майдонлари у қадар катта эмас. Эришилган натижалар эса кишининг ҳавасини келтиради. Хонадонларнинг 95 фойзиди

Менинг келажакдаги иш жойим

Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Ёшлар бирлашмаси ташаббуси билан ёшларни кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликка кенг жалб қилиш, келажакда муносиб иш жойини топишларига кўмаклашиш мақсадида Навоий эркин иқтисодий зонасида «Менинг келажакдаги иш жойим» акцияси ташкил этилди.

Унда Навоий давлат педагогика институти талабалари, коллеж битирувчилари ва уюшмаган ёшлар иштирок этди.

Дастлаб, ёш иштирокчилар эркин иқтисодий зонадаги «Hayat Power Cable Systems», «Ko-UNG Cylinder», «O'zMind», «O'zEraeCable», «Smart Communications» каби қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тайёрланиш жараёни билан танишди. Хусусан, енгил автомобилларга мўлжалланган эҳтиёт қисмлар, газ баллонни, юкори кучланишга чидамли кабеллар ва телефон алоқа воситаларининг тайёрланиш ёшларда катта кизиктиш уйғотди.

Тадбир «Навоий эркин иқтисодий зонаси» дирекциясининг кичик мажлислар залида давра суҳбати шаклида давом этди. У ерда ёш битирувчилар Навоий эркин иқтисодий зонаси ташкил этилиши тарихи билан боғлиқ видеороликни томоша қилишди.

Фаррух ХУДОЁЕВ,

Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг Ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчиси


«1 Оролбўйи минтақасидан 4,5 минг нафар кам таъминланган оила фарзанди ёки ота-она қаровисиз қолган болалар энг яхши оромгоҳларда бепул дам олдирилади. 700 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ва ота-онасиз болалар «Махалла» жамоат фонди ҳисобидан бепул соғломлаштирилади. Навоий кон-металлургия комбинати билан ҳамкорликда вилоятдаги Томди, Учқудук, Қонимех, Нурота туманларидаги 500 нафар, «Жиззах аккумулятор заводи» АЖ томонидан 100 нафар эҳтиёжманд оила фарзандлари ҳам бепул ҳордиқ чиқарилади.

Қасаба уюшмалари томонидан 40 минг нафар кам таъминланган оила фарзандларини жамоа шартномалари ҳамда келишувлари орқали бепул ва имтиёзли, шунингдек, 1950 нафар «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиси ва имконияти чекланган болалар бепул йўланма билан таъминланади. Қасаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда эса 2,5 минг нафар она-бола дам олдирилади.

«Билимлар беллашуви» ғолиблари учун Тошкент вилоятидаги «Қуёшли» оромгоҳида «Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи» ташкил этилади.

Болаларнинг кизиқишини инобатга олган ҳолда жорий йилда 206 та ихтисослаштирилган оромгоҳ ташкил этилади.

Мувофиқлаштирувчи гуруҳ томонидан масъулларга ҳавфсизлик масаласига эътибор қаратиш, оромгоҳларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, уларни тегишли мутахассислар билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва таълим-тарбия жараёнларини мазмунан



Хоразм вилояти, «Нурли замин ёшлари» оромгоҳи



Сурхондарё вилояти, «Чашма-Тошпўлатбой» оромгоҳи

Ҳикмат

Инсон табиатнинг олий маҳсулидир. Бироқ табиат яратган мўъжизалардан баҳра олмоқ учун соғлом, бақувват ва зукко бўлмоғи зарур.

Т. Карлейль

Тайёргарлик қизғин

Наманган вилоятида жорий йилда 8 та шаҳар ташқарисида жойлашган ва 95 та кундузги оромгоҳларда 17 250 нафар бола соғломлаштирилади.

Бундан ташқари, шаҳар ва туманларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиёти даврида қорхона ва ташкилотлар қошида 12 та меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари ташкил этилиб, уларда 555 нафар ўсмир дам олдирилади.

Стационар оромгоҳларда соғломлаштирилган болалардан 100 нафари «Билимлар беллашуви» ғолиблари, 71 нафари «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари, 50 нафари кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларидир.

Болалар оромгоҳларини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида барча имкониятлар ишга солинган.

Ўз муҳбиримиз

бойитиш бўйича тегишли вазифалар белгилаб берилди.


Бундан ташқари, мавсумда сифатли тиббий хизмат ва санитария-гигиена талабларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилади. Бунга зарур дори-дармон воситалари билан таъминланган тиббиёт ходимлари бириктирилди. Озиқ-овқат хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари, жалб этилаётган ходимлар, қабул қилинаётган ҳар бир бола тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга малакали тиб-

бақалари ўтказилиб, чет тилини ўргатиш ва болаларнинг кизиқишларига қараб бошқа тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилади.

«Гуруч қурмасиз бўлмади» деганларидек, Қасаба уюшмалари Федерацияси вакиллари жойларга чиқиб ўрганиш жараёнида амалга оширилаётган ижобий ишлар қаторида камчилик ва муаммолар борлигини ҳам аниқлашди. Хусусан, айрим ҳудудларда маҳаллий ҳокимликлар оромгоҳларни мавсумга тайёрлашга

сида бугунги кунгача 100 дан ортиқ оромгоҳлар таъмирдан чиқарилиб, замонавий кўринишга келтирилди, 17 та оромгоҳ янгидан қурилди. Жорий йилда ҳам 34 та оромгоҳ таъмирланиб, барча қулайликларга эга бўлган дам олиш масканларига айлантирилади. Лекин шу йилги Манзилли дастурга киритилган Андижон («Богбон»), Хоразм («Ғайрат-Энергиячи») вилоятларидаги оромгоҳларда қурилиш-таъмирлаш ишларида суст-кашликка йўл қўйилаётир. «Богбон»

Орзулар оламига саёҳат ёхуд оромгоҳлар бунга шайми?



бий-хизмат кўрсатиш ишлари доимий назоратга олинади. Педагог ходимлар жалб этилиб, ўқув-услубий қўлланмалар етказиб берилади, кутубхоналар адабиётлар билан бойитилади.

Маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш учун ҳар бир оромгоҳни камраб олган манзилли Дастур доирасида кизиқарли тадбирлар, учрашувлар ташкил этилади. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан болаларга мўлжалланган 34 номдаги ҳужжатли ва бадий фильмлар, мультфильмлар тайёрланди. Кино, театр томошалари, турли концерт дастурлари, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, спортчилар, Зулфия, «Нихол» мукофотлари совриндорлари билан учрашувлар ташкил этилади. Спорт мусо-

етарли эътибор бермаётгани кўзга ташланди. Масалан, Андижон («Богбон»), «Истиклол қалдирғочлари»), Жиззах («Қоинот»), «Мирзаҷўл», «Табассум»), Хоразм («Шунқор») вилоятларидаги оромгоҳларда таъмирлаш ишлари тадаб даражасида эмас. Ётоқхона ва бошқа бинолар ҳудуди қаровсиз ахволда.

Болажонлар бағрига боришни орзиқиб кутадиган баъзи масканларнинг моддий-техник базаси талабга жавоб бермайди. Қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар эскирган ёки яроқсиз ахволга келиб қолган. Бундай ҳолатни Наманган («Умид ниҳоллари»), Барқамол авлод), Сирдарё («Гулсиз-тон»), Сурхондарё («Чашма-Тошпўлатбой»), Хоразм («Нурли замин ёшлари»), «Ғайрат-Энергиячи») вилоятларида кузатиш мумкин.

2012 йилдан буён қабул қилинаётган Манзилли дастурлар асо-

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТОМОНИДАН 40 МИНГ НАФАР КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИНИ ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ҲАМДА КЕЛИШУВЛАРИ ОРҚАЛИ БЕПУЛ ВА ИМТИЁЗЛИ, ШУНИНГДЕК, 1950 НАФАР «МЕҲРИБОНЛИК» УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИСИ ВА ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР БЕПУЛ ЙЎЛЛАМА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ. КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТИЗИМИДАГИ САНАТОРИЙЛАРДА ЭСА 2,5 МИНГ НАФАР ОНА-БОЛА ДАМ ОЛДИРИЛАДИ.

оромгоҳида 100 ўринли ётоқ биноси, кутубхона ва маънавий хоналарини қуриш режалаштирилган бўлса-да, шу кунга қадар ишлар амалга оширилмаган. Бу тегишли мутасаддилар томонидан назоратга олинмагани ачинарли ҳол, албатта. Айрим ҳудудларда йилдан-йилга бу каби масканлар сони камайиб кетмоқда. «Ўзғаротехсаноатҳолдинг» компаниясининг «Билдирсой» оромгоҳи

2015 йилда Манзилли дастурга киритилиб, унинг ўрнида янги оромгоҳ барпо этилиши ва ўтган йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган эди. Аммо, афсуски, бу режа амалга ошмади. Поп туманидаги Халқ таълими вазирлигига қарашли «Офтобча» оромгоҳи ҳам бир неча йилдан буён фаолият юритмапти.

Ҳокимликлар томонидан ҳар йили оромгоҳлар фаолияти учун ҳомийлик маблағлари жалб этилади. Аммо айрим ҳудудларда ушбу маблағлар ўз вақтида тўпланмагани сабабли бир неча йиллардан буён қорхона, ташкилотларнинг оромгоҳлардан ёки оромгоҳларнинг ҳам турли тўловлардан, сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ходимларнинг иш ҳақидан қарздорликлари мавжуд.

Соғломлаштириш масканларига олиб борадиган йўллар масаласида ҳам муаммолар етарли. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси («Лочин»), «Жас ауда», «Арал»), Андижон («Богбон»), «Уч кўза», «Машғал», «Навбахор», «Қуёшча»), Жиззах («Қамолот»), «Табассум»), «Матлуботчи», «Жилғача», «Зангори олов»), «Мирзаҷўл», «Қоинот»), Наманган («Барқамол авлод»), «Олмазор»), «Ширин»), «Шодлик»), Самарқанд («Баҳора»), «Чорчино», «Гўзалкент»), «Учқун»), «Соғлом авлод»), «Қўшчино», «Шифокор гулшани»), «Нарпай»), «Ибн Сино»), «Фарход»), Сурхондарё («Хонжиз») вилоятларидаги оромгоҳлар йўллари таъмирталаб ахволда, кўприкларнинг ёни темир панжаралар ва муҳофазаловчи бетон тўсиклар билан тўсилмаган.

Андижон («Истиклол қалдирғочлари»), Жиззах («Қоинот»), «Қамолот»), «Мирзаҷўл»), Самарқанд («Баҳора»), «Хумор»), «Қалдирғоч»), «Амир Темур»), «Учқун»), «Соғлом авлод»), «Гўзалкент»), «Қўшчино»), «Нарпай»), «Ибн Сино»), «Фарход») вилоятларидаги оромгоҳлар атрофини ўраш бўйича ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Баъзи оромгоҳлар (Қорақалпоғистон Республикаси барча стационар оромгоҳлари, Фарғона вилоятидаги «Қимёгар»), «Хумор») ённингизидики билан сезувчи ва хабар беришчи мосламалар, ўчириш анжомлари билан тўлиқ жиҳозланмаган. Бу каби камчиликлар ўз ўрнида барҳам топса, нур устига нур бўлар, Абдулазиз каби не-не болажонлар ҳаёлидаги оромгоҳ оламига саёҳат қилиб, таътилни мароқли ўтказар эди.

Мавсумни сифатли ташкил этиш мақсадида тегишли вазирлик ва ташкилотлар ходимларидан иборат Ишчи гуруҳлари томонидан ҳар навбатда оромгоҳлар фаолияти ўрганилиб, мавжуд муаммолар бартараф этиб борилади. Қасаба уюшмалари Федерациясида Республика штаби фаолият юритиб, ҳудудлардаги ҳамда Ишчи гуруҳлар томонидан бажарилаётган ишлар доимий мониторинг қилинади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ «Ishonch»

Пухта тараддуд

Ёз фасли кириб келишига тобора оз фурсат қолмоқда. Демак, долзарб палла — болаларни ёзги оромгоҳларда мазмунли дам олдириш мавсуми ҳам яқинлашапти. Ҳадемай, мактабларда сўнгги кўнгироқ чалиниб, ўқувчилар таътилга чиқади.

Самарқанд вилоятида бу йил 21 минг 130 нафар бола оромгоҳларда дам олдирилади. Сўлим табиат қўйнидаги масканларнинг бугунги ахволи қандай? Мавсум тараддуддан кўнгил тўладими?

Вилоят ҳокимлиги, вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгазининг қўшма қарорига мувофиқ мавжуд 23 та (стационар) оромгоҳларда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилганига анча бўлди. Ободонлик, бунёдкорлик ишлари мувофиқлаштирувчи гуруҳ томонидан муттасил кузатилиб, долзарб масалалар муҳокама этиб борилаётир. Бундан ташқари, 11 минг 500 нафар болани ўз бағрига оладиган кундузги оромгоҳларни тайёрлаш ишларининг суръати ҳам кизган.

Шу ўринда таъкидлаш ўринли, қатор ташкилот ва қорхоналар ушбу мавсумда болаларнинг талаблар даражасида дам олишига ўз хиссаларини қўшиб ташаббуси билан чиқишган. Улар кўмағида оромгоҳларнинг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланмоқда. Қолеж ўқувчиларини ишлаб-чиқариш амалиётига қабул қиладиган 10 та қорхона ва ташкилотда «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда 250 нафар ўқувчи амалиёт ўташ билан биргаликда мазмунли ҳордиқ чиқаради.

Бундан ташқари, ички ишлар идораларида рўйхатда турувчи болалар учун «Тарбия ва спорт» оромгоҳи, билимлар беллашувининг ҳудудий босқич ғолиблари учун «Интеллектуал ривожлантириш» оромгоҳи фаолияти ҳам йўлга қўйилаётир. Бу ихтисослашган масканларда барча зарур шароитлар яратилмоқда. Шунингдек, оромгоҳларда дам олдириш тартиб-қоидалари, имтиёزلардан фойдаланиш йўл-йўриқларини тушунтириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Ақбар АБДУСАИДОВ,

Самарқанд вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Андижон вилояти, «Богбон» оромгоҳи



Андижон вилояти, «Истиклол қалдирғочлари» оромгоҳи



Жиззах вилояти, «Табассум» оромгоҳи

Барчаси ёш авлод учун

Жорий йилда ёзги мавсумда Бухоро вилоятида 15 та шаҳардан ташқари стационар ҳамда 123 та мактаб қошидаги кундузги оромгоҳларда 17 845 нафар ўғил-қизнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Тайёргарлик жараёнини Мувофиқлаштирувчи гуруҳ назоратга олган.

— Бу йилги мавсумнинг ҳар қачонгидан кўнгилли ва мазмунли ўтиши учун алоҳида тайёргарлик қўраямиз, — дейди Бухоро вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Адолат Ақромова. — Вилоят ҳокими ва ҳудудий қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгазининг «Мактаб ўқувчиларининг 2018 йил ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарорида белгиланган вазифалар поёнига етай деб қолди. Унинг доирасида шаҳардан ташқари ва кундузги оромгоҳларда 1244 нафар педагог ходимлар ҳамда 138 нафар тиббиёт муассасаси ходимлари фаолият кўрсатади. Мавсум давомида 100 нафар ихтидорли ўқувчилар учун экологик-биологик, бадий ижодиёт, техник ижодкорлик йўналишларида ҳам оромгоҳ ташкил этиш кўзда тутилган. Шунингдек, 142 нафар «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 50 нафари «Махалла» хайрия жамоат фондининг маблағи ҳисобидан, 650 нафар кам таъминланган оилалардаги болалар жамоа шартнома ва келишувлар орқали бепул соғломлаштирилади.

Оромгоҳларда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сувининг сифати ҳамда меъёрини, шунингдек, санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этилиши назоратга олинади. Дам олиш масканлари ҳудуди ва атрофида, ётоқхона ва ошхоналар, чўмилиш хавзалари, ўйин майдончалари, тўғарақ ташкил этилган хоналарда санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш доимий эътиборда бўлади.

Барча оромгоҳларда кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси фаолияти йўлга қўйилиб, кутубхоналар болалар талабидан келиб чиққан ҳолда эртак китоблар ва бадий адабиётлар билан бойитиб борилиши кўзда тутилган. Театрлаштирилган томошалар ташкил этилади. Кўрик-танловлар, таниқли олим ва адиблар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш, шунингдек, турли спорт мусобақалари уюштириш режалаштирилган.

Иззатулло ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Улар болаларни кутмоқда

Бу йилги мавсумда Китоб, Шаҳрисабз ва Яқкабғо туманларида фаолият кўрсатаётган 17 та стационар оромгоҳда 25 240 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилади. Шундан 16 180 нафасига йўлланма учун давлат ижтимоий сугуртаси фондидан маблағ ажратилиши, 9060 нафар болани дам олдириш эса туман, шаҳар ҳокимликлари, «Махалла» жағмармасининг вилоят бўлими ҳамда ҳомий ташкилот, қорхона, муассаса ва тадбиркорлар ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандлари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ҳамда ихтидорли болалар ҳам бепул йўлланмалар билан таъминланади.

Айни пайтда оромгоҳларнинг барчасида ёзги мавсумга тайёргарлик ишлари якуний паллага кирган. Уларнинг ҳудудлари тозаланиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга ошириляётир.

— Жорий йилда Китоб туманининг Қайнар кишлоғида жойлашган «Нурафшон» оромгоҳида 120 ўринли ётоқхона ва ошхона биноси янгидан барпо этилаётган бўлса, Шаҳрисабз туманидаги



«Зебунисо» оромгоҳида 50 ўринли янги ётоқхона қурилди. Шунингдек, 450 ўринли ошхона биноси капитал таъмирланди. Яқкабғо туманидаги «Истиклол гўнчалари», оромгоҳида эса 50 ўринли ётоқхона барпо этилди, — дейди Қашқадарё вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Файзулла Махмудов. — «Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2018 йилга мўлжалланган Манзилли дастурга асосан вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига қарашли «Зиё чашмалари» оромгоҳида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Яқкабғо туманидаги «Нихол», «Истиклол гўнчалари», «Шўртан қалдирғочи» ва Мирзо Улугбек номи, Шаҳрисабз туманидаги «Лочин», «Зебунисо» ва Беруний номи, Китоб туманидаги «Ёш алаңгачи» ва «Алоқачи» каби оромгоҳлар мавсумга тўлиқ тайёрланиб, болаларни қабул қилишга шай ҳолатга келтирилди.

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

